

“ИСМЛАР ОСМОНДАН ИНАДИ” ЁХУД АБДУҚОДИР ДОМЛА ҲАҚИДА

Жасурбек МАҲМУДОВ,

филология фанлари доктори

ЎзДЖТУ, “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси профессори в.б.

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.20676908>

Шайх Абдулқодир Гилоний, Мирзо Абдулқодир Бедил, домла Абдуқодир Ҳайитметов... Бу каби муборак исмларни янада давом эттириш мумкин, бироқ шу ўринда тўхталишга ва “тарихга қайтиб иш кўриш”га жазм қилдик.

Хоразм шеvasида “исми бир хил одамлар бир-бирига ўхшайди, деган мазмундаги “Оди бирнинг жони бир” деган халқ матали юради. Дарҳақиқат, баъзи ҳолларда бир хил исмдаги кишилар қайсидир жиҳатдан, ё ташқи жиҳатдан ёки бўлмаса ботинан бир-бирига ўхшаб кетишади. Масалан, биз ишга бориб-келадиган йўлда Абдуқодир ота исмли, ёши 70 ларга бориб бир отахон майда-чуйда нарсалар сотиб ўтирарди. Уни ҳар гал кўрганамда домла Абдуқодир Ҳайитметовни кўргандек бўлардим. Чунки, улар ташқи кўринишдан худди домлани эслатарди. Бунини у кишининг ўзига биринчи бор кўрганамда, сизни кўриб, адабиётшунос олим, профессор Абдуқодир Ҳайитметовни кўргандек бўлдим, деганамда хурсанд бўлиб, бизда ҳам олимликдан асар бор дегандилар. Ҳар кунини ишга бориб-келишимда у киши билан суҳбатлашар эканман, чиндан ҳам улар кўп нарсани билладигна одам эканлигига гувоҳ бўлардим. (Кейин эшитсам, улар 2013 йил апрел-май ойларида бандаликни бажо келтирган эканлар). Хуллас, исмдаги ўхшашликка асосланиб мен юқоридаги учта шахс ҳаёти ва фаолиятини таҳлил қилмоқчи эдим.

Аввало дастлаб тилга олинган исм ҳақида. Асл исми Абдулқодир, лақаби Муҳйиддин, яъни динни тирилтирувчи бўлган ва Ғавсул-аъзам деган улуғ сифат билан чақирилган Шайх Абдулқодир Гилонийни танимаган ва билмаган киши кам бўлса керак. Зеро, мусулмон оламида учта “аъзам” – улуғ сифатига эга бўлган шахслардан, яъни Имоми Аъзам, Ғавсул-аъзам ва Махдуми Аъзамлардан бири айна шу зот бўлган эдилар. Бу улуғлик эса ул зотнинг зоҳиран ва ботинан сўлиб бораётган Ислом дини руҳига қувват бағишлаб, уни яна тирилтиргани учун берилган муносиб унвон эди. “Тухфат ул-Қодирия” манокбида шундай келтирилади: “Уларнинг муборак куниятлари Абул-Муҳаммад, яъни Муҳаммаднинг отаси. Лақаблари Муҳйиддин, яъни динни тирилтирувчи. Исми шарифлари Абдулқодир (р.а.)дир. Бир кунини шогирдлари бирлари ул ҳазратдан



савол қилибдилар: “Сизга Муҳйиддин деб исм берилишининг боиси нимада?. Улар шундай жавоб бердилар: Бағдод шахрига сайру саёҳат қилиб борган кунларим эди. Эсимда, ўша куни сана ҳижрий беш юз ўн биринчи йил, жумъа куни эди (511 йил ҳижрий, милодий 1089 йилга тўғри келади). Ногоҳон бир кишига кўзим тушди; у жуда озғин, афтодаҳол, касал ётиб, менга қараб “Ассалому алайкум ё Абдулқодир!”, деди. Саломига жавоб берганимдан кейин, “Менга яқин келгин!” дедилар. Дарҳол ёнларига бордим. Мени ёнига ўтқиздирди. Мен уларга бир нафас дам урдим, қарасам шу сониянинг ўзида юзлари гулгун очилиб, худди янги ниҳолдек яшнаб, менга қараб “мени танийсанми?, дедилар. Мен, йўқ, танимайман, дедим. У киши менга деди: Мен сенинг бобонг Муҳаммад мустафо с.а.внинг динларидирман. Кейинги пайтларда шу даражада афсурда ва пажмурда бўлиб қолган эдим. Худованди таоло сизнинг барокатингиздан мени яна аввалги ҳолимдагидек мартабада тирилтирди. “Анта Муҳйиддин!”, яъни сен энди Муҳйиддинсан – динни тирилтирувчисан, деди. Байт:

*Жон берур эрди масиҳ эл жамъига,
Турфадур сен ким, берурсан динга жон!”¹*

Иккинчи исм – Абулмаъний (Маънолар отаси) лақаби билан машҳур бўлган Мирзо Абдулқодир Бедил ҳам бутун дунёга машҳур зотлардандир. Шеърятдаги “сабки ҳиндий” (ҳинд услуби)ни юқори даражага кўтарган бу файласув шоирнинг донғи бутун Шарқ ва Ғарб олимларининг эътирофига сазоворлиги кўпчилик томонидан ёзилган ва айтилган. Жумладан: “Мирзо Абдулқодир Бедил 1644 йилда Ҳиндистоннинг Бехари (Бенгалия) вилоятига қаршли Азимобод шахрида, насл-насаби туркий барлос уруғига мансуб бўлган ва Бобуршоҳ даврида хизмат ёки зарурат юзасидан Марказий Осиёдан Ҳиндистонга муҳожират қилган маърифатли шахс – Абдулҳолиқ оиласида дунёга келади. Бедилнинг отаси – Абдулҳолиқ ёшлигида ҳарбий хизматчи бўлган, аммо кўп ўтмай ҳарбий ҳаётдан воз кечиб, ориф инсонлар хизматига киради. У ўша даврда Хуросон, Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонда кенг тарқалган Қодирия тариқати ва унинг асосчиси – Шайх Абдулқодир Гилонийга бўлган иродати ва эҳтироми туфайли ўғлига Абдулқодир деб ном қўяди²”.

¹ Маноқибнинг «Биринчи фасл: Ҳазрат Ғавсул-аъзамнинг қуният ва лақаблари, исми шарифлари баёнида» бўлимида Намангандаги ширкати Исҳоқия матбаъси тошбосмаси.

² Ж.Холмўминов. “Абулмаъний таважжухлари”. Маънавий ҳаёт журнали №3. 2015. 90-95 б.



Энди учинчи исм – Абдуқодир Ҳайитметов домла ҳақида. Ҳазрат Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳодга исм қўйиш бобида “Ал-асмоъу танзийлум-минас-самоъи”, яъни “Исмлар осмондан инади”, деган ҳикмат келтирилади. Айни шу жиҳатдан юқоридаги иккита машҳур зот исми ва сифатларида ҳам ўзига хос “осмоний иниш”, илоҳий каромат бўлганлиги уларнинг ҳаёти ва фаолиятларидан равшан. Балки, домла Абдуқодир Ҳайитметовнинг ҳаёти ва фаолиятига у кишини машҳур кишилар исмига монанд қилиб Абдуқодир қўйилгани³ сабаб бўлгандир. У кишининг таржимаи ҳолларида ўқиймиз: “Абдуқодир Ҳайитметов 1926 йилнинг 27 майида Фарғона вилоятининг Данғара туманидаги Қиёлиқум қишлоғида туғилди. 1949 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг Шарқ факултетини битиргач, 1949-1952 йилларда Шарқ кўлөзмалари институти аспирантурасида таҳсил олди. У академик Ойбек тавсияси асосида «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари» мавзуида номзодлик ва «Навоийнинг ижодий методи» мавзуида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди... «Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи»нинг академик нашрини тайёрлашда раҳбар ва ҳаммуаллиф сифатида жонбозлик кўрсатди, улуғ аждодларимиз ҳақидаги «Алишер Навоий», «Абу Райҳон Беруний» каби ҳужжатли филмларни яратишда фаол иштирок этди»⁴.

Агар густоҳлик бўлмаганда, раҳматли Абдуқодир Ҳайитметов домланинг ана шу каби жонбозликларини ҳисобга олиб, домлани ҳам худди Абдуқодир Бедилга “Аблумоний” (Маънолар отаси) дея улуғлангани каби “Абулҳайъат”, яъни “Ҳайъат, мажлис, йиғилиш отаси” деб улуғлаш мумкин. Зеро, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида бир неча йиллар давомида бутун бошли илмий ҳайъатни бошқариб, улар билан бирга “Ўзбек адабиёти тарихи”ни яратишда ҳайъатбоши вазифасини бажарган, бир қатор академик нашрларда бош бўлиб турган адабиётшунос олим бундай сифатга лойиқ, деб ўйлаймиз. Бу каби масъулияти кучли бўлган ва катта Академик нашрларга сардор бўлган олимга “Ҳайъат отаси” ҳар жиҳатдан ярашади.

³ Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, профессор Э.А.Бегматовнинг “Ўзбек исмлари” китобида Абдуқодир ва Абдуқодир айни бир мазмундаги исмлар эканлиги изоҳланади. Қаранг: Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари маъноси: (Изоҳли луғат). –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998. –Б.14, 19.

⁴ Ziyo.uz сайтидан.